

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqqan boshlagan.

2024-YIL 10-FEVRAL

SHANBA, №6 (9095)

(Bahosi kelishilgan narxda)

Beshariq tumani
hokimligining ijtimoiy-
siyosiy nashri

Gazeta haftada
bir marta chiqadi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан халқ депутатлари Кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга ўндан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ, экология ва соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида кўрсатиб ўтилган мақсадлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг ҳақиқий “овози”га айлантириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини трансформация қилиб, ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари

ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги моделини тўлиқ амалга ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш, маҳаллий давлат ҳокимиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Адлия вазирлиги ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари (кейинги ўринларда – маҳаллий Кенгашлар) томонидан ишлаб чиқилган:

Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилиши тақлиф этилаётган ваколатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тизимлаштириш тақлиф этилаётган ваколат ва функциялари 2-иловага мувофиқ;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаш амалиёти жорий этилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

ларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган, маҳаллий Кенгашларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатларига хос бўлмаган вазифалар ижроси бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2024 йилнинг 1 октябрга қадар Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва унда қўйиладиган асосий йўналишларни назарда тутиш тавсия этилсин: маҳаллий Кенгашлар, уларнинг органлари ҳамда депутатларнинг назорат фаолиятини такомиллаштириш, самарали назорат тизимини шакллантириш;

маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатига тақлифлар киритиш механизмининг белгилаш;

маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш; маҳаллий Кенгашлар қарорларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш;

маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий қафолатларини янада кучайтириш;

маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ўзаро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, бюрократияга қарши чораларни белгилаш.

4. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга ҳорижий давлатларнинг етакчи экспертларини жалб қилсин ҳамда илғор

халқаро тажрибани ўрганиш учун хизмат ва ўқув сафарларини ташкил этсин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда мазкур Фармонга 3-иловага мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ихтисослаштириш бўйича тақлифларни Адлия вазирлигига киритсин.

Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралар тақлифлари асосида уч ой муддатда тегишли қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ушбу лойиҳаларнинг жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ҳамда нормаларнинг мавжудлиги нуқтаи назардан танқидий кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига икки ой муддатда маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид ўз қарорларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда тизимлаштириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига:

2024 йил 1 июлга қадар маҳаллий Кенгашлар ваколатлари, вазифалари ва функцияларининг реестрини ишлаб чиқиш ва юритиш;

маҳаллий Кенгашлар қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ягона амалиётни жорий қилиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

Адлия вазирлиги билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва котибиятлари ходимларининг билим ва маънавиятини оширишга қаратилган ўқув курсларини тизимли ташкил этиш тавсия этилсин.

8. Давлат активларини бошқа-

риш агентлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 апрелга қадар:

маҳаллий Кенгашлар биноларининг жорий ҳолатини хатловдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар биноларига ва уларни моддий-техник жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни ишлаб чиқсин;

2024 йил 1 октябрга қадар халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, 2025 йил 1 декабрга қадар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари учун белгиланган минимал талабларни инобатга олган ҳолда бино (ишчи хоналар) билан таъминлаш ва жиҳозлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: ушбу Фармоннинг 1–2-иловаларида назарда тутилган тақлифларни рўёбга чиқариш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида;

ушбу Фармондан келиб чиқадиган бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифларни киритсин.

11. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. МИРЗИЁЕВ. Тошкент шаҳри, 2024 йил 2 февраль.

Депутатлар кун тартибидagi биринчи масала юзасидан туман ҳокимиятининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Т. Саматовнинг туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга қилиш, шунингдек, белгиланган барча макроиқтисодий кўрсаткичларни ортиси билан таъминлаш бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитди. 2024 йилда олдинга қўйилган вазифалар таҳлили билан танишди.

ТУМАН КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

2024 йил 8 февраль кун Халқ депутатлари Бешариқ тумани Кенгашининг тўқсон тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ДАРОМАД МАНБАИГА БОҒЛИҚ

Туман ҳокимиятининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А. Умаров ҳисоботи ҳам бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги «Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали

аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига дахлдор бўлди.

Республика Президентининг 2024 йил 9 январдаги қарори асосида жорий йилда янги иш ўринларини ташкил этиш

ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида қамбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими раҳбари Ж. Бегматов ҳисобот берди.

2023 йилда туман маҳаллий бюджетининг ижроси ҳамда

йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағларидан фойдаланиш тўғрисида туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Х. Исроиловнинг ҳисоботи ҳам депутатлар томонидан эшитилди.

Кун тартибига қўйилган масалаларнинг асосий мақсади – ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга қилиш эканлиги билан депутатлар муҳокамасига сабаб бўлди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан ҳисоботлар эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИТ ҲУРАР, КАРВОН ЎТАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси, деб билмоғи керак. Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИ, МИЛЛАТ ТАҚДИРИ УЧУН КУРАШ — АБАДИЙ КУРАШ

Бу фикрлар бежиз айтилгани йўқ. Бугун биз дунёда империя-парастлик ва шовинизм бош кўтараётган, тажовуз ва таҳдид тобора ортаётган, тарихни бузиб талқин қилиш кучаяётган, камситиш, босқинчилик, вайронкорлик ва бир-бирига қарама-қарши қўйиш, адоват қўзғаш, урушларни молиялаштириш, ички ишларга аралаштириш очик-ойдинлик касб этаётган зиддиятли ва мураккаб бир даврда яшаймиз.

Мустақил давлатларга таҳдидлар турли кўринишларда намоён бўляпти. Баъзан унга бепарво қараймиз, баъзида кампания-бозлик қилиб, кимўзарга жавоб қайтарамиз. Лекин биз миллат сифатида англаб етишимиз зарур бўлган бир ҳақиқат бор. Мустақиллик учун кураш қачонки, унга нисбатан таҳдидлар юз бергандагина кўзга ташланмаслиги керак. Бу ожиз қараш билан мутлақо мўроса қилиб бўлмайди. Зеро, мустақиллик учун жанг мамлакат ва миллат бор экан, ҳеч қачон тўхтамайди.

Унутмаслик керакки, бу жанг тўхтаган кун душманлар бош кўтаради. Улар ҳали-ҳамон мустамлакачилик, ҳукмронлик даввосидан воз кечгани йўқ, пайт пойлаб турибди. Қачонки, биз ахилликни, бирликни, ҳамжиҳатликни йўқотсак, ичимиздан хонлар чиқса, Ватан озодлигини кўз қорачиғидек асрамасак, бундай вазият душманларимизга қўл келади.

Баъзан қайсидир коваклардан, ўзимизнинг ичимиздан чиққан сотқинларнинг жирканч овози чиқиб қолади. Улар тутқунлик, қўллик даврларини зўр бериб қўмсайди. Улар сафсата «гүрт бир тийин эди»дан бошланади. Ушбу чиркин қарашларга чидаб туриш оғир. Уша замонларда «Қадринг қанча эди?» дегинг келади.

Турмуш қийинлигидан, но-чорлигидан аёллар ўзига ўт қўйган, «пахта иши», «ўзбеклар иши» гирдобиде оталар қамалган, гўдаклар ўлими ортган, бе-мақсад уруш туфайли йигитлар

жасади темир тобутларда қайтган, болалар пахта қўлига айлан-тирилган даврларни, наҳотки, унутган бўлсак? Наҳотки, шундай машъум кунларни қўмсаётганлар ораимизда бўлса. Бу даҳшат-ку...

Мустақил тузумни қўмсайди-ганларни, буюк ёзувчи Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, манқурт, дегим келади. Наҳотки, қандайдир моддий нарсаларга Ватан мустақиллигини қиёслаш мумкин бўлса? Наҳотки, унинг қалбида миллий ғурур бўлмаса? Ор бўлмаса? Номус бўлмаса? Уша кимлардир қўмсаётган мустақил тузум бизни миллат сифатида ожиз қилиб қўймадими? Тафаккуримизга қўшиб мутафаккирларимизни ўлдирмадими? Осмадими? Отмадими? Сургун қилмадими? Агар мустақиллик бўлмаганида эди, биз аллақачон ўзлгимизни йўқотган, қадриятларимиздан айрилган, тилсиз, эрксиз, бир ночор халққа айланган бўлар эдик.

Бугун мамлакат мустақиллиги ҳақида гапираётган айримлар уни оддий ҳодиса сифатида таърифлайди. Йўқ, асло ундай эмас. Мустақиллик мамлакат ва миллатнинг қаддини тиклади. Мустақиллик миллатнинг онгидан қўлликка кўниш синдромини сиқиб чиқарди.

Мустақиллиكنинг бебаҳо имкониятларини, буюк эврилишларини, улғу истиқболларини англаш учун мустақил тузумнинг кирдикорларидан хабардор бўлиш керак. Уша аянчли тарихни чуқур ўрганиш керак. Боболаримиз қанчалик ҳўрланганини, топталганини, қатағон қилинганни, миллатнинг ақли, билими, ўтмиши аёвсиз йўқ қилинганни тафтиш этадиган пайт аллақачон келган.

Ҳеч қачон мустақиллик қайтиб келмасин. Халқимиз озод яшасин!

Озодлик учун курашга жонини тикадиган авлодлар пайдо бўлсин!

Ватанпарвар, миллатпарвар ёшлар майдонга чиқсин!

Яхши билинги, Ватан учун, мустақиллик учун кураш, бу — абадий кураш. Бу курашдан ҳеч ким ўзини четга олишга ҳаққи йўқ. Бу кураш умуммиллат курашидир. Бу курашда чекиниб бўлмайди.

Бугун Ўзбекистон жадал та-

раққий этаётганлиги баъзиларга ёқмаслиги аниқ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бирлиги йўлида улкан ишларни қилаётганлиги кимларнингдир тинчини ўғирлайди. Юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалаётганлиги душманларимизни безовта қилади. Чунки улар бир пайтлар, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Бизсиз яшолмайди», «Ўзлари ялиниб келади», «Чегарасини химоя қилолмайди», «Эртага фалон давлат уларни босиб олади», дея фол очишган эди. Лекин бу фол тўғри чиқмади. Биз мустақилликни бошимиз узра баланд кўтариб, машаққатли йўлларни мардонавор босиб ўтдик.

Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда қайд этганидек, бугун олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргаликда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади. Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Ўзбекистон дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотларининг тўлақонли аъзоси. Дунё тинчилигида муҳим ўрин тутадиган мамлакат. Ўз сўзига, ўз қарашларига эга бўлган қудратли давлат. Ўзбекистон учун қарамлик аллақачон тарихга айланган.

Хомтама бўлманг, миллатимизни камситишингизга индамай қараб турмаймиз. Бугун бундай кимсаларга жавоб беришга, кимлигимизни кўрсатиб қўйишга кучимиз ҳам, билимимиз ҳам етади!

Айниган каллангиздан чиркин хаёлларни қувинг. Ўзбекистондан, ўзбек халқидан, балки нималарнидир олишингиз мумкин. Лекин мустақилликни эмас!

Бу сўзларни қўлоғингизга қўрғошиндек қўйиб олинг.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат
университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси.

ҒАЙРИИЛМИЙ САФСАТАЛАР ТАРИХЧИ ОЛИМ НОМИГА ДОҒ ТУШИРДИ

Яқинда Россиянинг НТВ канали орқали эфирга узатилган интервью, мамлакатимиз олим ва зиёлилари, ҳамюртларимизда катта норозиликларга сабаб бўлди. Эслатиб ўтамиз, россиялик тарихчи Михаил Смолин ўзбеклар, қозоқлар ва озарбайжонлар миллат сифатида 1917 йилга қадар мавжуд бўлмаган, инқилобдан кейингина улар СССР номи билан пайдо бўлган, деган ғайриилмий сафсатани ўртага ташлади.

Тарих фанлари номзоди, публицист ва Россия ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Михаил Смолиннинг илмий ва ижтимоий фаолиятига назар ташласак, унинг бундай фикрларига нисбатан сабаб бўлгани ўз-ўзидан тушунарли бўлиб қолади. У консерватив фикрловчи Россия империясининг тадқиқотчиси ва ашаддий мухлиси. Барча китоб ва мақолаларини ушбу империянинг тарихига бағишлаб ёзган, унинг изчил тарғиботчиси ҳисобланади. Ачинарлиси, Смолин ва Прилипин каби шовинистларга Россия медиа майдонида Россия империяси ҳамда Советлар иттифодига қайтишни қўмсовчи «сохта тарихчи ва сиёсатчи»ларга кенг йўл очиб берилган.

Бунинг устига россиялик расмий масъуллар ҳам давлатлар орасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига раҳна солувчи бу каби империалистик ва шовинистик чиқишларга нисбатан «бу Россия раҳбариятининг эмас, сиёсатчининг шахсий нуқтаи назари» ёки «бу тарихчининг виждонига ҳавола» қабилида иш тутмоқдалар.

Энди тарихчи М. Сломиннинг этиборини ўзбеклар ҳақидаги илмий ва тарихий ҳақиқатларга қаратамиз.

Ўзида қарлук, қипчоқ ва ўғуз шеваси вакиллари биллаштирилган ўзбек халқи номи ва миллат сифатида мавжудлиги жуда қадимий даврга бориб тақалади. Бир халқ тарих давомида турли номларда аталиб келиши бу табиий ҳол. Бу ўринда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи жараёнида асосан туркий этнослар (2 минг йилдан бери мавжуд) кўпроқ ва фолроқ роль ўйнаганини таъкидлаш муҳим. Милоднинг I асридан Куншон подшолиги давридан бошлаб минтақада туркий элатларнинг фаол миграцияси илк ўрта асрларга келиб туркий этник пластининг янада кенгайишига олиб келди.

Энди ўзбек номининг ёзма манбаларда тилга олинишига келсак, у XIV асрга бориб тақалади. Бу ном ўзи билан бирга ўзбек адабий тилининг ҳам шаклланишига хизмат қўрсади. Адабиётларда «чиғатой тили» (аслида, эски ўзбек тили), деб номланган туркий тилларнинг қарлук гуруҳига мансуб бўлган ва маҳаллий туркий лаҳжалар негизида ўзидан олдинги даврларнинг адабий-лингвистик аънавалари таъсири остида шаклланган тил бўлиб, XIV асрнинг 2-ярмидан XIX аср охиригача мавжуд бўлган ёзма китобий тил ҳисобланади. Ўзининг асарларини туркийча-ўзбекча ёки чиғатой тилида битган Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Атоийлар

шулар жўмласидандир.

Хоразм ҳудудида эса мўмтоз чиғатой тили (эски ўзбек тили) шаклланган ва хоразм ўзбекчаси ёхуд туркийчаси унга асос бўлган, деб ҳисобланади. Ҳатто, X асрда Ўзбекистоннинг, асосан, Хоразм ва қисман кейинги даврларда Зарафшон воҳасида яшаган ўғузларнинг ўзбек атамаси билан боғлиқлиги ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Мовароуннахрга келган Ўзбекхон ва унинг одамлари «Ўзбек» номининг асосий ташувчилари эдилар. Қорахонийларнинг Амударё — Сирдарё оралиги ва унга қўшни ҳудудларни қўлга кириштириб, Фарғона водийси, Шош (Тошкент), Тароз, Исфижоб (Сайрам), Самарқанд, Бухоро каби минтақанинг йирик ижтимоий-сиёсий ва этномаданий марказларини қўлга кириштириш натижасида «хоқония туркчаси» ўрта Осиёнинг ёзма адабий тилига айланади.

Бу лаҳжанинг Хоразмда айрим ўғуз ва қипчоқ элементларини олиб, «Хоразм туркийси» номини олиши ва шу тарихда «чиғатой туркийси»га бошланма бериши эса дастлаб Қорахонийлар, бирмунча кейин эса Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар давридаги тарихий воқеалар билан боғлиқдир. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда қўрилган — Ўғузлар, Қарлуклар давлатлари, Қорахонийлар, Салжуклар, ғазнавийлар давлатлари даврида фаол юзага чиққан ва бошқарувни эгаллаган, шу билан бирга мўғуллар билан бирга ёки улардан кейин кириб келган кўп сонли туркий уруғлар XIII асрда азалдан туркий ўқ илдирили Турон (2,5 минг йиллик ном) ёки Туркистон (миллоднинг VII асрдан бери мавжуд) аҳолисининг титул номига айлана бошлади. XV асрда Алишер Навоий ғазалларида «Ўзбегим бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас» ёки «Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, муайян турк улуси худ менингдур» мисралари бежизга ёзилмаган. XVII-XVIII асрларда ўзбек номи Европада «Ўзбекция» номи остида берили бошланди.

Бу — тарихий ҳақиқат! Минг афсуски, россиялик тарихчи олим ва публицист Михаил Смолин ушбу тарихий ҳақиқатни англашни хоҳламай, ўзининг ғайриилмий сафсаталари билан ўзбек, қозоқ ва озарбайжон халқларига нисбатан тўхмат ёдирди ҳамда тарихчи олим, деган юксак номга доғ туширди.

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
вице-президенти, тарих
фанлари доктори, профессор.
ЎзА.

АДОЛАТЛИ СУДЛОВ

Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига мувофиқлаштириш, демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина «Habeas corpus» институтининг миллий қонунчилигимиздан мустақкам жой олгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Маълумки, жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи «Habeas corpus», деб номланади. Ҳарб мамлакатларида жиноий таъқибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқини «Habeas corpus», деб номлаш одат туси-

“HABEAS CORPUS” ИНСТИТУТИ

Мамлакатимизда қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

га кирган. Ушбу институт дастлаб XII асрдан бошлаб Англияда қўлланила бошлаган. XIV асрда Эдуард I қироллиги даврида эса ушбу амалиёт урф-одатга айланди.

Ушбу институт - ушланган ёки ҳибсга олинган шахсни адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи ҳисобланиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш, лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларининг асослигига фақат суд томонидан баҳо бериш амалиётининг жорий қилиниши, ўз навба-

тида, суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлаш, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришни назарда тутди.

«Habeas corpus» институти қўлланилиши янада кенгайтириш доирасида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлар прокуратурадан судларга ўтказилди.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдум натижаларига кўра янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циясида «Habeas corpus» институти ривожлантиришга доир муҳим норманинг акс эттирилиши инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият эканлигини амалда намоён этади. Хусусан, Конституциямизнинг 27-моддасида «Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас», деган инсонпарвар қоидалар мустаҳкамланди.

Янги киритилган норманинг аҳамияти шундаки, эски тузум-

дан мерос бўлиб қолган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларни жазоловчи ёндашувидан инсон ҳуқуқларини тикловчи, рағбатлантирувчи ёндашувига ўзгартирди. Хусусан, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга, суд-тергов жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, шахсининг асоссиз ҳибсга олиниши ҳолатларини бартараф этишга, шу орқали инсоннинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган хатоларга йўл қўйилмаслигига ҳамда халқимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини оширишга хизмат қилади.

М. МАНСУРОВА,
О. ТОШПЎЛАТОВ,
Н. АБДУЛҲАЕВА,
вилоят маъмурий суди
ҳодимлари.

ТЕХНИКА – ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Доно халқимизда “Иш қурулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур”, дегар пурмаъно ибора бор. Бу бежиз айтилмаган. Азал-азалдан ота-боболаримиз хоҳ деҳқончилик бўлсин, хоҳ бошқа касбда, иш қурулларининг соз бўлишига алоҳида эътибор беришган. Бу таомилга ҳозир ҳам амал қилинмоқда.

МАВСУМГА ШАЙЛАҒАПТИ



Туманимиз иқтисодиёти ривожига қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутати. Соҳада фойдаланиладиган техника воситалари ҳамда механизмларни жорий мавсумга тайёрлаш, уларни сифатли таъмирдан чиқариб, деҳқонларимиз қўлига топшириш иш унумини ортиради, провардида, мўл ҳосил етиштириш гарови бўлади.

Ўтган 2023 йилда туманда қишлоқ хўжалиги соҳаси — пахтачилик, ғаллачилик, пиллачиликда катта ютуқларга

эришилди. Жорий йилда ҳам деҳқонларимиз юксак марраларни кўзлаб туришибди. Айни кунда жами 8800 гектар майдонда ғалла парваришланмоқда. Бу йил туманда 70000 тонна бошоқли дон етиштирилиши, ҳар бир гектар ер ҳисобига 80 центнердан ҳосил олинishi режалаштириляпти.

Туман ҳокими Р. Жўраев Бешариқ машина-трактор паркида қишлоқ хўжалик техникаларининг мавсумга тайёргарлигини кўздан кечирди. Бу ерда ҳозирга қадар 155 та

чопиқ трактори, шунча культиватор, 60 та чигит экиш селласи, 380 та барона, 35 та пушта олиш мосламаси марказлашган ҳолда сифатли таъмирдан чиқарилди.

Ҳоким деҳқончилик маданиятини ошириш ва қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган долзарб юмушларга алоҳида тўхталди. Ғалла парваришини

кучайтириш, маҳаллий ўғит жамғариш, тутзорларга ишлов бериш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шунингдек, ҳоким техника воситаларини таъмирловчиларга яхши шарт-шароит яратиш иш унумини янада ортиришга омил бўлишини таъкидлади.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳа; таъмирдан чиқарилган тракторлар.

Д. РАҲМОҶОВА олган суратлар.

СТАТИСТИКА — РЎЙХАТГА ОЛИШ

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА ЁШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ

Ёш ҳақида маълумот олиш учун туғилган кун ҳақида маълумот тўплаш тавсия этилади. Бу рўйхатга олиш вақтида аниқ ёшдаги маълумотларни тўплашдан кўра аниқроқ маълумот олиш имконини беради.

Туғилган сана ҳақида маълумот тўплаш маълумотлар жадвалларини икки шаклда: туғилган йил ва тўлиқ йиллар сонини ишлаб чиқишга имкон беради. Туғилган сана, шу билан бирга, рўйхатга олиш вақтига нисбатан ёшни ҳисоблаш имконини беради. Ёшнинг энг муҳим ўзгарувчилардан бири эканлигини ҳисобга олинсак, бу ҳақда маълумот рўйхатга олиш доирасида тўпланган ва кўплаб жадваллар ва таҳлил турларида ишлатиладиган ёш ҳақидаги маълумотларда ишлатиш учун имкон қадар тўлиқ ва аниқ бўлиши жуда муҳимдир. Агар ёш ҳақида маълумот бўлмаса, нотўғри ёки қарама-қарши бўлса, унда ёшни шахс ёки оила ҳақидаги бошқа маълумотлар асосида импутатсия усули билан аниқлаш керак.

Туғилишнинг аниқ санаси ҳақида маълумот тўплаш аҳолининг катта қисмига нисбатан қийинчиликларга олиб келиши мумкин бўлган

мамлакатлар, ишлатилган усуллар тўплами йилнинг чораги ёки бошқа вақтини белгилаш усулига ўзгаририлиши мумкин. Кун/ой/йилга нисбатан жавоб бериш учун махсус тақдим этилган ячейкалар билан рўйхатга олиш варақаси шаклларида, йилнинг мавсуми каби қўлда ёзилган жавоблар кодлаш учун жавобгар бўлмайди.

Ота-оналаридан катта бўлган болалар каби мумкин бўлмаган жавоблар тартибга солиниши керак.

Агар ёш йилларда ҳисобланса, ота-оналарнинг ойлар давомида болаларнинг ёшини нотўғри кўрсатиш муаммосига эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, кекса ёшдаги шахслар тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратиш керак, чунки ахборотни тақдим этишда хатолар катта ёшдаги шахсларда янада кенг тарқалган.

Минтақадаги кўплаб мамлакатлар турли хил маълумотларни тўплаш учун махсус гуруҳлар сифатида болалар, ёшлар ва қариялар каби аҳоли гуруҳларини ажратадилар.

Ф. ДАВЛАТОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда сув йўлларини тартибга келтириш ва бетонлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

СУВ ҚАДРИНИ БИЛИБ



Туманда сувни тежаш, экин майдонларига “оби ҳаёт”ни йўқотишларсиз етказиб бериш, сарф-харажатларни қисқартиришга доир аниқ саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, тумандаги бир қатор фермер хўжаликларининг ариқ ўзанларини тартибга келтириш ва бетонлаш ишлари олиб борилмоқда.

Соҳа мутахассислари фермер хўжаликлари далаларида бўлиб, бетонлаш ишларининг бориши, сифати билан яқиндан танишиб, ишни ташкил этиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: ариқларни бетонлаш жараёни.

Д. РАҲМОҶОВА олган сурат.

Табиий муҳитга таъсир қўлами ортиши оқибатида нафақат қуруқлик, балки сув ҳавзалари экотизимларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бермоқда.

Сув ҳавзалари эса нафақат инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, балки ўсимлик ва ҳайвотот дунёсининг ўзига хос яшаш муҳити сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси томонидан “Сув ҳавзаларини асраш экологик барқарорлигининг муҳим омили” мавзусида ўтказилган давра суҳбатиде шу ҳақда гап борди.

2 февраль – Бутунжаҳон сувли-ботқоқли ҳудудлар куни муносабати билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сенаторлар, олимлар, талабалар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

1971 йил 2 февралда “Халқаро аҳамиятга эга, асосан, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлари тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. Ўзбекистон ушбу Конвенция тарафдоридир. Шунга асосан бугунги кунда мазкур халқаро ҳужжат рўйхатига “Тўдакўл”, “Қўйимозор”, “Денгизкўл”, “Судочье” ва “Айдар-Арнасой” кўллар тизими киритилган.

Ушбу ҳудудлар кўчиб юривчи қушлар учун қулай қўнимгоҳ бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларни муҳофаза қилиш, улар-

ЭКОЛОГИЯ ВА БИЗ

ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Мамлакатимизда қушларнинг 460 дан ортиқ тури учрайди. Уларнинг аксарияти республикамиз ҳудуди орқали баҳорги ва кузги миграция даврида сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зоналарида қўним топади.

нинг табиий иқлим шароити барқарорлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ҳайвонларнинг 37 тури, шу жумладан, қушлар ва бақилқар сув-ботқоқли ҳудудларда яшайди.

Кўлларни орнитологик жиҳатдан комплекс ўрганиш, айниса, уларда учровчи қушларнинг тур таркиби ва сонининг динамикасини тадқиқ этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мавжуд сув ҳавзаларидан дам олиш ва экотуризм мақсадларида фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда.

Сенат томонидан Рамсар рўйхатига киритилган “Айдар-Арнасой” кўллар тизимида экологик вазиятни сақлаб қолиш ва соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назорати олиб борилмоқда.

Барқарор ривожланиш борасидаги устувор қадамлардан

бири – сув-ботқоқ ҳудудлар, экологик тизимлар барқарорлиги ва бус-бутунлигини таъминлаш зарур. Сенат қўмитаси раҳбарлигида Ёшлар парламенти аъзолари томонидан экинларни тупроқ остидан томчилатиб суғориш тизими технологиялари бўйича олиб борилган илмий изланишлар ва тажрибалар якунлари юзасидан тақдимот ҳам ўтказилди. Маълумотларга кўра, ушбу технология қўлланилганда сув сарфи эгатлаб суғоришга нисбатан 80 фоизга, илдииз устидан томчилаб суғоришга нисбатан 30 фоизга, шунингдек, минерал ўғит сарфи 60 фоизга иқтисод қилинган. Шу билан бирга, суғоришда қўл кучи меҳнатидан фойдаланиш 70 фоизга ва агротехник ишлар (култивация) 50 фоизга қисқарган.

Бундай технологияларни қўллаш иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА.

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУҒИЛГАН КУН

Буюк алломаларимиз ҳақида гап кетганда, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида алоҳида тўхталамиз. Унинг шоир ва саркарда сифатидаги фаолияти билан бир-га Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи асосчиси эканлиги, албатта, айтилади.



БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР МЕЪМОРИЙ МЕРОСИ

Ҳиндистон дунё тарихида бой из қолдирган мамлакатлардан бири. Ўзининг қимматбаҳо дуру гавҳарлари, ноёб тошлари билан машҳур ўлка. Амир Темур бобомиз ҳам Ҳиндистонга юриш қилиб, ҳинд диёрида машҳур бўлган “Сонэ ки Чудия” – қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар сақланадиган хазинагоҳдан ўз давлатининг пойтахти Самарқандни қуриш ва безаш учун олиб келган. Усталар ҳам ўша ердан бўлган.

Ҳозирда Мўғуллар империяси, деб аталувчи империяга Бобур асос солган. Ҳиндистонга қилган тўрт марта юришдан сўнг, бе-

шинчисида ғалаба қозониб, ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, Агра шаҳри марказга айланади. Бобур Агра савдо, маданият марказига айлантириш билан бир-га ўзига хос қиёфага эга, гўзал шаҳарга айлантириб, одамлар ҳаёт тарзини, маданиятини тубдан ўзгартиришни мақсад қилиб қўяди. Натижада, Агра шаҳри усталар, рассомлар, жангчилар, аристократлар истиқомат қиладиган шаҳарга айланади. Қисқа вақт ичида Агра Бобурнинг саъй-ҳаракати билан ободонлаштирилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. 1528 йилда Рам боғи ва бир-бирига симметрик жойлаш-


ган тўрт боғ қуради. Ямуна дарёсидан сувни кўтариб берадиган, фавворали бу боғ ҳозиргача сақланиб қолган. Бобур вафот этгач, аввал шу боққа дафн этилган, сўнгра Кобулга кўчирилган.

Ҳиндлар Бобур асос солган шаҳарда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини, энг муҳими, у олиб борган сиёсат туфайли Агра шаҳридаги ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзига маданий ҳаёт кириб келганлигини эътироф этиб, шаҳарнинг олтин даври бошланиши, деб эътироф этишади.

Бобурдан сўнг унинг ўғли Ҳумоюн Деҳлида Дананпанахни қуради. Набираси Акбар Аграга

қайтиб, ўта кучли ва мустаҳкам Агра қалъасини қуради. 1565 йилда қурилиши бошланган қалъа 1571 йилда битади. Акбар даврида қалъа ҳарбий мақсадларда, Шоҳ Жаҳон даврида сарой ва суд ҳокимияти мақсадида фойдаланилган. Тўрт дарвозали қизил қумтошдан қурилган, атрофи икки қаватли девор билан ўралган қалъа 16 аср бобурийлар меъморчилигининг намунасидир.

Қалъадаги Акбар томонидан хотини шарафига қурилган кўп қаватли Жаҳонгир маҳал мақбараси, Шоҳ Жаҳон қурган Хос маҳал, Ангур боғ (узумли боғ), Шиш маҳал (ойнали), Мусамман Бурж (саккиз қиррали минора), Жаҳонгирнинг хотини Нуржаҳон мақбараси, Шоҳ Жаҳоннинг хотини Мумтозмаҳал шарафига қурилган Тожмаҳал бобурийлар сулоласининг Ўрта Осиё меъморчилиги услубидаги ёрқин обидалардир.



Аграда бунёд этилган Тожмаҳал дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири, деб тан олинганини яхши биласиз.

Бобур ва бобурийлар қолдирган мерос бугун дунёни ҳайратга солмоқда. Жаҳондан оқиб келаётган турли тоифадаги саёҳларни лол қолдираётган, дунё тарихида Бобур ва бобурийлар сулоласи қолдирган маданий, меъморий мерос нақадар улуғлигини кўрсатиб турибди.

Биз Бобур Мирзонинг ватандоши сифатида унинг меросига мурожаат этар эканмиз, юрак-юрақдан фахр туйғусини ҳис этдик. Бобур ҳақида сўз очилса, унинг адабий мероси билан бирга, кўз олдимизда улар қолдирган мўъжизавий меъморий обидалар гавдаланади.

С. ТЕМИРОВ.
Агра шаҳри.
2023 йил, ноябрь.

СУРАТЛАРДА: Агра қалъасидаги меъморий обидалар.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

“ЁШ ДАСТУРЧИ”ДА КЕЛАЖАК ИЛМИ

Мактабимизда 390 нафардан зиёд ўқувчилар билим олишади. Улар дарсдан бўш вақтларда ўзлари қизиққан фан тўғрисида билимларини ошириб боришмоқда.

Ҳозир мактабда жами 26 та тўғарак фаолият юритиб келмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган информатика тўғрисида қизиқувчилар кўп. 5-9-синф ўқувчиларидан 20 нафардан зиёди шу тўғаракка қатнашмоқда. Бундан ташқари, „Беш муҳим ташаббус“ доирасида „Ёш дастурчи“ тўғрисида ҳам ташкил этганман. Тўғарак машғулоти режа асосида олиб борилмоқда. Ўқувчиларга, асосан, фундаментал дастурлаш, яъни „scratch“, „cursera“ (Бир миллион дастурчи) ҳамда офис дастурлари ўргатилмоқда.

Ўқувчиларимиз иқтидорли. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида тўғарак аъзолари ва юқори синф ўқувчилари „coursera“ сертификатини қўлга киритди.

Айни дамда ўқувчиларнинг дастурлашга янада қизиқишларини орттириш мақсадида янги, замонавий усуллардан фойдаланяпмиз. Дастурлаш келажакда ёшларга жуда асқотади.

У. СОБИРОВ,
34-мактаб информатика фани ўқитувчиси.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан фуқароларнинг эҳтиётсизлиги, эътиборсизлиги оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда. Жумладан, 2023 йил 17 декабрь кун Олтинкўл маҳалла фуқаролар йиғини, Мустақиллик кўчаси, 86-ўйда яшовчи Э.П.нинг хўжалигида электр иситиш печининг назоратсиз қолдирилиши оқибатида ёнғин содир бўлган. Натижада 60 кв.метр майдонда жойлашган, Э.П.га тегишли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш хусусий устaxonасининг том ва ички қисмлари ёниб, катта миқдорда моддий зарар кўришига сабабчи бўлди.

2024 йил 2 февралда Обод маҳалла фуқаролар йиғини, Ёшлик кўчаси, 23-ўйда истиқомат қилувчи фуқаро Р.Д.нинг хонадонидида содир бўлган ёнғиндан фуқаролар ўзи, оиласи ва мол-мулкни кўз қорачиғидек асраш юзасидан хулоса чиқаргани

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

Бугунги иқтисодий ривожланиш даврида ишлаб чиқариш тармоқларида бўлгани каби фуқаролар уйларида ҳам ёнғиннинг олдини олиш, аҳолининг тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб турибди.

БЕПАРВОЛИК ҚИММАТГА ТУШЯПТИ

шубҳасиз. Чунки бу оилада яшовчиларнинг эътиборсизлиги, яъни ёш болаларнинг назоратсиз қолдирилиши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлиги оқибатида ёнғин чиқди, 40 кв.метр майдондаги яшаш ўйи ёниб кетган.

“Чоршанба - ёнғинлар профилактикаси кун” доирасида ўтказилаётган тадбирлар жараёнида хонадонларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари кенг муҳокама қилиниб, аҳолига туман ҳудудидида содир бўлган

ёнғинлар тафсилоти тушунтириб борилмоқда.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлими фуқароларни огоҳлантиради:

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мумкин, бунинг учун лоқайдлик ва бепарволикка чек қўйиш зарур. Шунда уй-ингиз тинч, кўнглингиз хотиржам бўлади.

Х. РАСУЛЖОНОВ,
туман ФВБ кичик инспектори.
В. ХОЛМАТОВА,
етакчи инспектор.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI

Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV

Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAQULOV

Sahifalovchi
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'lon ko'chasi, 22-uy.
beshariqtongi12@umail.uz

Telefonlar:
Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida
terilib, sahifalandi va «Andijon
nashriyot-matbaa» MChJ
bosmaxonasida ofset usulida chop
etildi.

Bosmaxona manzili: Andijon
shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy.
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Matbuot va axborot agentligining
Farg'ona viloyat hududiy boshqar-
masida 9.01.2007 yilda 12-021 raqami
bilan ro'yxatga olingan.

Bichimi: A-3. Adadi 4585
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15.00